

Хабар

15
(1021)-son

13-aprel

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР



XXI аср бошига келиб бутун дунёда глобаллашув жараёни шу қадар кучайиб кетдики, ундан тўла ихоталанган бирорта ҳам давлат йўқ. Ҳатто халқаро ташкилотлардан узокроқ туришга интилаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан четда эмас. Бугунги ахборот асрида интернет тармоғи дунёни тобора кенгроқ ўз тўрига ўрамоқда. Сайёрамизда мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони 2 миллиард нафардан кўпроқни ташкил этади. Афсуски, ундаги ахборотларнинг салмоқли қисми баъзи манфур кучлар томонидан муайян стратегик мақсадларни қўзлаб тарқатилаётгани боис интернет ахборот урушларининг асосий куралига айланиб бормоқда. Масалан, йирик ижтимоий тармоқ — Facebook ўз тизимига ҳар куни бир миллиарддан ортиқ ташриф бўлаётгани ва уларнинг 600 минги ўзгаларнинг хабарлари, фотосуратлари ва бошқа шахсий маълумотларини қўлга киритиш илинжида бўлган гараз ниятли кимсалар томонидан содир этилаётганини маълум қилди. Кейинги пайтларда айрим давлатлардаги турли намоёнлар, қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширишда ҳам айнан мазкур ижтимоий тармоқдан фойдаланилаётгани сиз-убиздан огоҳликни талаб этади.

5-бет

Сўнги янгилик!

Netcraft веб-мониторинг компанияси интернетдаги веб-сайтларнинг 1 апрел ҳолати бўйича ҳисоботини тайёрлади. Унга қўра, апрел ойига келиб глобал тармоқда фаолият кўрсатаётган сайт ва блоглар сони 676 919 707 тани ташкил этди, бу бир ой олдингидан 32,6 млн.тага ёки 5,1 фоизга кўпдир.

Дастур веб-серверлари орасида 65,5 фоизлик улуш билан Apache етакчилиқда давом этапти. Иккинчи поёнадан эса умумий хостлар базаси 70 млн.тага ўсган Nginx жой олди.



Ушбу сонда:

Чорак якунлари муҳокамаси	2
Истиқлол иншооти Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилиши бошланди	3
Учебный семинар для представителей центров компьютеризации	6
Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз	12
Ёшлар — миллат келажаги	13
Бебаҳо бойлигимиз	15

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рабатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони чоп этилди.

9 апрел куни пойтахтимизнинг Амир Темури хибонидида Соҳибқирон таваллудининг 676 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шу куни, шунингдек, Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Амир Темури жамғармаси билан ҳамкорликда Амир Темури даврида оиланинг жамиятда тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати ҳамда "Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун" деб номланган кўргазма ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан асаларичиликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Тадбир якунида асаларичилик соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳияти ва натижалари тарғиботига оид амалий чоралар қўриш, асаларичилик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия ҳукумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрел куни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент халқаро Вестминстер университетиди бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасида Республика Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия фаолиятига доир бир қатор масалалар қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида жойларда "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" номли акция ўтказилмоқда. Ана шундай хайрли тадбирлар Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида бўлиб ўтди.

Яқинда Германиянинг Майнц шаҳрида бўлиб ўтган "ReinlandPfalz Ausstellungen 2012" ярмаркасида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси делегацияси иштирок этиди. Ярмарка иши доирасида намойиш этилган Ўзбекистон бўлмаши ранг-баранглиги ва ўзига хослиги билан меҳмонлар ҳамда тадбир иштирокчиларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.



Чорак якунлари муҳокамаси

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралардаги ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истикболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йил биринчи чорагида Комплекс бўйича жами 817,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 439 миллиард сўмлик (120,9 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 72,6 миллион АКШ доллари миқдоридида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 277 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари орттириб бажарилди.

Комплекс йиғилишида "Мустақкам оила йили Давлат дастури"нинг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига доир вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида кишлоқ жойларда ёшларнинг интернет тармоғида ишлаши ва аҳолини компютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда "Ягона ойна" марказлари орқали аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатиш ва тўловларни қабул қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот ва биллинг тизимларини яратиш тўғрисидаги масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил март ойида қабул қилинган қарорларга

асосан ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришда ахборот тизимларини татбиқ этиш билан биргаликда, мавжуд компютер техникаси ва технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали республикада ахборот-кутубхона хизматларини янги bosқичга кўтариш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, давлат ва нодавлат архивларида фуқароларга бериладиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, архив ҳужжатларининг сақланишини тартибга келтириш, архив ходимлари масъулиятини ошириш, аҳолини биометрик паспортлар билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



Мустақкам оила — юксак тараққиёт сари

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши навбатдаги касба уюшмалари фаоллари учун ўтказиладиган ўқув машғулотларини ўзгача тарзда ташкил этди.

Гап шундаки, Марказий кенгаши Мустақкам оила йили тадбирлари доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Ҳамза туман кенгаши ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда "Мустақкам оила — юксак тараққиёт сари" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда соҳа корхона ва ташкилотлари касба уюшмаси қўмиталари фаоллари қатнашди. Тадбирни Ўзбекистон алоқа

ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев олиб борди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Бобоев жамиятнинг мустақкам бўлини бўлган оила, фарзандлар тарбияси, мамлакатимизда оилалар учун яратилаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган қонун ва қонуности ҳужжатлари хусусида батафсил сўз юритди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши девони раҳбари вазифасини бажарувчи Даврон Сафаров сўзга чиқиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари Ватанимиз равиши йўлида фаол

қатнашиб келаётгани, республикамиз иқтисодиёти юксалишида салмоқли ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлади ҳамда Алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгашининг бир гуруҳ ходимларига ушбу партия сафига қабул қилинганликларини тўғрисида аъзолик гувоҳномаларини топширди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош юридик маслаҳатчиси Рустам Хурсанов фуқароларнинг ёзма ва овозли мурожаатлари билан ишлаш, ушбу мурожаатлар билан боғлиқ қонунчиликка оид янгиликлар бўйича маълумотлар берди. Шунингдек, тадбирда "Алском" суғурта компанияси мутахассислари ихтиёрий тиббий суғурталаш хизмати тўғрисида тақдирот ўтказди.

Абдуғани АБДУРАХМОНОВ

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТИ

QAROR VA IJRO

Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилиши бошланди

"Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозим. Жорий йилда 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут-Шахрисабз ва Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланган..." Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу вазифа истикболбон аҳамиятга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Хусусан, Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилиши, биринчи навбатда, шу ҳудуднинг шаҳарлараро кабелли магистрalli қисмида мавжуд транспорт телекоммуникация тармоғини захиралашга имкон беради, иккинчидан эса, мустақил мамлакатимиз жаңубий манзилларидаги транспорт тармоғида алоқанинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Энг муҳими, бу лойиҳа қўшимча транспорт ресурслари ва алоқа каналлари билан мобил алоқа операторлари ҳамда интернет провайдерларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиради.

Шунинг учун ҳам Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилиши бошланишига бағишланган тантанали тадбир қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Денов туманининг Ойбек маҳалласига ташриф буюрганлар давтавал мамлакатимиз ва Сурхондарё вилоятининг рақамли телекоммуникация тармоғи харитаси ҳамда алоқачилар ҳаёти акс этган лавҳалар билан танишиб, истиқлол берган бебаҳо имкониятларга ҳамоҳанг тасавурларини бойитишди. Айниқса, маҳалла фахрийларидан ака-ука Тўхта ва Мамараим Исмонловлар, Абдурусулхожи Абдуллаев, Тошўлат Салохидиновлар дорилмон кунларга шукроналар билдирган ҳолда юз бераётган туб ўзгаришлардан беҳад мамнун эканликларини



изхор этишди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Рустам Тўхтамишев тадбирни очаркан, кейинги пайтда алоқа ва телекоммуникация соҳасида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Жўра Сапаров, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Кахрамон Юлдошев ва бошқалар барчани соҳада йўлга қўйилаётган яна бир янгилик билан муборакбод этишди.

Тадбирда таъкидландики, Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси 91,88 километр масофани камраб олади. Энг муҳими, бу иншоот қурилиши бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "2012 йилги Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатнинг жорий йилдаги инвестициялар дастурига киритилган. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг 2012 йилги манзилли дастурига асосан мазкур қурилиш лойиҳаси ижроси учун "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали буюртмачи, "Телеком Инвест" филиали эса пудратчи этиб тайинланган.

Этиборлиси, пудратчи жамоа "Телеком Инвест" филиали ўтган йили ташкил топган эди. Шу қисқа даврда Рустамжон Умаров бошлиқ аҳил жамоа бир неча йирик иншоотларда меҳ-

нат қилишди. 2011 йилда "Жиззах-Булдунгур" объекти ишлари ўз вақтида амалга оширилди. 2012 йилги Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган Ургут-Шахрисабз оптик толали алоқа линияси қурилиши жорий йилнинг биринчи чорагида ниҳоясига етказилди. Бойсун-Денов объектида оптик толали алоқа линияси қурилишининг очилиш маросимида ҳам уларга катта ишонч билдирилди. Тўғри,

Ҳисортоғ ва Керагатоғ оша Бойсунга-ча бориш осон гап эмас. Аммо "Телеком Инвест" филиали "Ўзбектелеком" АК "ТТТ" филиали билан биргаликда олдидан турган сермашаккат довоилардан мардонавор ошиб ўтишади. Бунинг учун жамоага 2та ҳандак қазғич, 1та экскаватор, 2та "Газел" автотранспорти ажратиб берилган. Долзарб ишга малакали кишилар жалб этилган.

Истиқлол иншоотининг биринчи иш куни "Ўзбектелеком" АК "ТТТ" филиалининг 7-боғламаси ҳамда Сурхондарё филиали ва Денов телекоммуникациялар боғламаси ходимлари иштирокида оптик кабел линиясини расмий ётқизиш тадбири ўтказилди. Бунинг натижасида Денов телекоммуникация боғламасининг телефон канализацияси бўйлаб 2 километр шомполовка ишлари бажарилди. Яна шунча масофага қувур ётқизилди. 1500 метр ҳандак қазилди. Шлакоблок ва фишдан иккита ККС-2 ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, 2012 йилги инвестициялар дастурига киритилган Бойсун-Денов оптик толали алоқа линиясини ётқизиш лойиҳаси тобора амал олмақда. Умид қиламизки, "Телеком Инвест" филиали жамоасининг бу бунёдкорлик меҳнати самараси Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйига муносиб тухфа бўлади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар" газетасининг
Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Бойсун-Денов оптик толали алоқа линияси қурилиши, биринчи навбатда, шу ҳудуднинг шаҳарлараро кабелли магистрalli қисмида мавжуд транспорт телекоммуникация тармоғини захиралашга имкон беради, иккинчидан эса, мустақил мамлакатимиз жаңубий манзилларидаги транспорт тармоғида алоқанинг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Марғилонликлар билан учрашув

Марғилон шаҳар Марказий маданият уйида ва 9-муқса мақтабида шаҳар ҳокими ўринбосарлари, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари шаҳар бўлимлари раислари, 54та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспекторлари, "Қамолот" ЁИХ шаҳар кенгаши, маънавият-тарғибот маркази, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар вакилларининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни шаҳар ҳокими ўринбосари Б.Мирзаев очиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлигига бағишланган йиғилишида муҳокама этилган устувор вазибалар ҳақида маъруза қилди.

Учрашувда А.Ишанходжаев мустақиллик йилларида республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш тизими жуда тезкор суръатларда ривожланаётгани, соҳадаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар ва "Мустақкам оила йили Давлат дастури" бўйича режалаштирилган ишлар

ҳақида батафсил гапирди. Жумладан, Марғилон шаҳри тўлиқ телефонлашгани, интернет хизмати, "Ягона ойна" маркази фаолият кўрсата бошлагани, замонавий почта алоқаси хизматлари кўрсатилаётганлиги ва бошқа алоқа хизматларининг бугунги кун талаби даражасида эканлиги тўғрисида атрофлича сўз юритди.

Учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазаларни атрофлича ўрганиш, шаҳарни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда уларни алоҳида эътиборга олиш каби қатор чора ва тадбирлар белгиланди.

Мухаммаджон
МАҲМУДОВ,
меҳнат фаҳрийси

Қутлаймиз!

Яқинда матбуотда 2011/2012 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови голиблари эълон қилинди.

Голиблар орасида Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш" мутахассислиги бўйича 2-босқич магистранти Ҳабибулло НОСИРОВ ҳам бор.

Ҳабибулло 1990 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. У ўқишда эришган юқори натижалари билан бир қаторда, республика ва халқаро миқёсдаги илмий журнал ҳамда тўпламларда илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан доимий равишда қатнашиб келмоқда. 2009 йил Беруний номидаги Давлат стипендияси танлови совриндори бўлган. Инглиз тилини мукамал ўзлаштирган.

Ҳозирги вақтда "Телевизон дастурларнинг товуш сигналларини фрактал-спектрал сиқининг янги услуб ва алгоритмларини ишлаб чиқиш" мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ҳабибуллони голиблик билан қутлаб, ўқиш ва ишларида омад тилаймиз!



Xalqaro haqot



ФРАНЦИЯ олимлари музлаткич ва кондиционерлар учун совутиш мосламаси ясашда фойдаланиладиган янги қотишма кашф этди. Ушбу қотишма ёрдамида ихчам, тежамкор ва товуш чиқармасдан ишлайдиган музлаткич ва кондиционерлар ишлаб чиқариш мумкин. Хабарларга кўра, қотишма таркиби темир, фосфор, марганец ва германийдан иборат.

Экспертларнинг таъкидлашича, янги технология экологик муаммоларнинг олдини олишда қўл келади — иқлимга салбий таъсир қилувчи зарарли фреон газининг ҳавога чиқишига чек қўйилади.

РОССИЯ Давлат думасининг фан ва илм-фан технологиялари қўмитаси раиси ўринбосари Николай Герасименко Россия чекувчи аҳоли сони бўйича дунёда иккинчи ўринда туришини маълум қилган. "Мамлакатимиз чекувчи давлатлар орасида бир поғона юқорига чиқиб олган, ваҳоланки, бир йил олдин учинчи ўринда эди", — деган у Сингапурда бўлиб ўтган "Тамаки ёки саломатлик" Бутунжаҳон XV анжуманида.

Ўтган йили россияликлар 398 миллиарддан ортиқ сигарет чекишган. Ўз навбатида, "Табачный атлас"нинг маълум қилишича, Россия сигареталар ишлаб чиқаришини мунтазам камайтирапти ва мамлакатдаги чекувчилар сони ҳам аста-секин камаймоқда. Таъкидлаш керакки, Россияда 19дан 43 ёшгача бўлган кишилар кашандаликка ружу қўйишган. Ҳар бир чекувчи бир кеча-кундузда ўртача 17та сигарет чекади, кечиб билан боғлиқ касалликлар сабабли 400 минг киши оламдан ўтмоқда.

БУЮК БРИТАНИЯДА ўтказилган киношди савдосида 1937 йилда ишлаб чиқарилган "Вугатти" русумли автомобил салкам 3,5 миллион еврога сотилди, деб хабар беради RATA-TASS.

Савдо уйи вакилларининг сўзларига кўра, жаҳон автомобилсозлик саноатида ноёб ҳисобланадиган ушбу машина узок вақт давомида ташландиқ ҳолда гаражда ётган.

АҚШ президенти Барак Обама Флорида штатидаги Бока-Ратон шаҳрида ўз тарафдорлари олдида қилган чиқишида бой фуқаролар учун солиқларни оширишни рад қилган республикачиларни танқид остига олган.

"Менгача бўлган президентлик (республикачи Кичик Жорж Буш) даврида бадавлат америкаликлар икки қарра солиқ имтиёзларига эга бўлишган, суғурта ва молия компаниялари эса ўзлари учун ўйин қондаларини ўрнатиб олишган. Натижада факат бойлар бойлигича қолган, олдий америкалик оилалар даромади эса аксинча камайиб кетган", — маълум қилган Обама. Унинг айтишича, ҳозир АҚШнинг бир фоиз энг бадавлат аҳолиси олхирги 50 йил ичида энг кам солиқ тўлаб келган.

Обама жараёнга баҳо берад экан, даромадларнинг асосий қисмини инвестиция амалиётларидан оладиган миллиардерларнинг давлат ваънасига 15 фоиз миқдориди даромад солиғи тўлаши, ўрта синф вакиллари эса 25 фоизгача даромад солиғига тортилиши маъқул эмас, дея таъкидлаган.

ИТАЛИЯлик олимлар суратларнинг асл нусхасини сохтасидан ажратиш усулини яратдилар. Маълумотларга қараганда, бунинг учун расм тағига ўчириб бўлмайдиган ноёб кимёвий ёзув қўйилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, турли кимёвий моддалар аралашмасидан тайёрланган "ўчмас ёзув"ни яратиш учун бир неча йил вақт сарфланган. Мазкур усул расмларга ўз асарларини сохталаштирувчилардан химия қилишда жуда қўл келади ҳамда санъатшунослар орасида учрайдиган ушбу долзарб муаммо ечимини ҳал қилиш имконини беради.

Хонадонимиздаги компьютер

ёқуд Ота-она фарзандлари билан "дўстлашиши" мумкинми?

Компютер нафақат ишда, балки эндиликда хонадонларимизда ҳам салмоқли ўрин эгаллаяпти: ҳатто уни деб яқинларимиздан ҳам вақтимизни қизганимиз. Бу хулосалар яқинда Microsoft корпорацияси ўтказган тадқиқотда юзага чиқди. 2500дан зиёд киши қатнашган маъмур сўровномада деярли оиламиз аъзоси бўлиб улгурган компютерсиз яшаш мумкинми, деган саволга жавоб изланди.

Иштирокчиларнинг 35 фоизи бўш вақтининг катта қисмини айнан компютер қаршида ўтказаркан. Сабаби олдий: компютер — интернетда ахборот олиш ва мулоқот қилишнинг асосий воситаси. "Компютерда ишлаётган" ибораси "Мен интернетдаман" ибораси билан синонимга айланиб қолганини респондентларнинг 76 фоизи тасдиқлашди ва компютернинг асосий вазифаси сифатида интернетдан фойдаланиш имкониятини кўрсатишди.

Фойдаланувчиларнинг 23 фоизи бўш вақтларида қизиқарли ва кўнгличор ахборот кидиришади, 15 фоизи эса бўш вақтида ҳам компютерда ишлайди. Компютернинг муҳимлиги жиҳатидан иккинчи функцияси сифатида унинг матли хужжатлар билан ишлаши (сўралганларнинг 13 фоизи), учинчи даражали вазифаси сифатида эса фотосуратлар алмашиши мумкинлиги тилга олинган.

Қизғин, маъмур сўровнома қатнашчиларининг атиги 19 фоизи бўш вақтининг асосий қисмини оила аъзолари билан мулоқотга ажратишини, 17 фоизи эса дўстлари билан учрашишга ажратишини билдирган. Бу рақамлар балки респондентларнинг кўпчилиги оила қурмаган эркин одамлар бўлса керакда деган тасаввур уйғотиши ҳам мумкин. Йўқ, аниқланишича, фарзандлари бор оилаларда ҳам шу анбана кузатишмоқда. Яъни, оилада фарзанднинг дунёга келиши ҳам катталарнинг одаларига зийрча таъсир кўрсатмаяпти.



Катталар болаларнинг компютердан фойдаланишларига қарши эмас: сўралганларнинг 22 фоизи ҳафтаига бир неча марта фарзандлари билан бирга компютерда ишлашларини тасдиқлашди. Бундан ташқари, кўпчилик фарзандлари билан интернет орқали мулфилмлар томоша қилишини, фойдали маълумотлар кидиришини маълум қилган.

"Ота-оналарнинг болалари билан интернетда маълумотларни бирга кидириши — бу жуда ижобий ҳолат. Негаки, болани интернетдаги зарарли ахборотлардан муҳофазалашнинг биринчи йўли айнан уни интернетдаги фойдали манбалар билан ошно қилиш, уларни қандай топишни ўргатишдир. Ота-она ва фарзандларнинг қарашлари, қизиқишлари уйғун бўлса, улар интернетдан топишган маълумотлар, янгиликлар билан ўзаро ўртоқлашади, уларнинг мулоқот доираси кенгайиб бораверади, — дея таъкидлайди психолог Анна Хныкина".

Биз яқинларимиз билан кун давомида ижтимоий тармоқлар воситасида ҳам мулоқотда бўлишимиз мумкин. Савол туғилади: болалар ота-оналарини "дўстлари" сафига қўшиладими? "Дўстлар сафига қўшиш" тугмачасини босишдан олдин, мабода сўров ота ёки онадан келган бўлса,

аввало нимани ўйлаймиз? Бу каби саволларга тадқиқотчилар жавоб олишди. 46 фоиз респондент ўз фарзандлари ёки ота-оналари билан Facebook, "Одноклассники", "ВКонтакте" каби ижтимоий тармоқларда мулоқотда бўлишларини билдиришган. Ота-оналар фарзандларининг ҳаётида нималар юз бераётганини назоратдан қочирмаслик учун уларни тармоқдаги "дўстлар" сафига киритишди (53,8 фоиз).

Болалар эса, аксинча, ота-оналарнинг уларнинг онлайндаги ҳаётига аралашшини истамайди: сўралганларнинг 75 фоизи ижтимоий тармоқларда ота-оналари билан мулоқот қилмасликларини билдирган. Бунинг биринчи сабаби, ота-оналар кириб боролмайдиган ўз мустақил маконига эга бўлиш. Сўралганларнинг 24 фоизи онлайнда ота-онанинг бўлиши эркин мулоқот имкониятларини пазайтириб юборишини, ноқулайлик туғдиришини билдириб ўтган.

Фарзандлар ота-оналарини ижтимоий тармоқдаги "дўстлар" сафига қўшишининг бош сабабларидан бири улар билан қизиқарли ахборотлар алмашишдир. Ота-оналари билан онлайнда "дўстлашаётганлар"нинг 60 фоизи бунни тасдиқлайди.

Собит АХАДОВ тайёрлади

АТ-хабарлар



Бутунжаҳон Иқтисодий Форуми ахборот технологиялари ривожланишига бағишланган Глобал рейтингни эълон қилди.

Швеция ва Сингапур мазкур рейтингда биринчи-иккинчи ўринларни эгаллади.

Етақик ўнликка, шунингдек, **Финляндия, Дания, Швейцария, Нидерландия, Норвегия, АҚШ, Канада** ва Буюк Британия киритилди.



Европа ва Япония тадқиқотчилари ҳамкорликда янги турдаги ўта юпка куёш панеллари ишлаб чиқишди.

Қалинлиги атиги 1,9 микрометрни ташкил этувчи панел кўринишидан кўпроқ фолга қозонини ёки юпка изолаторни эслатади.

Ишланмадан келгусида унча катта бўлмаган кўчма электрон қурилмалар ва катта қучланиш талаб этилмайдиган воситаларда фойдаланиш мумкин.



Голландия ва АҚШ олимлари ҳамкорликда олмос асосида квант компютер яратишди.

Тадқиқотчилар олмосга асосланган тизим айнан квант тартибда ишлаётганини асослаш учун компютерда Гровер алгоритмининг бажариб кўрсатишди.



АҚШдаги 90 фойздан ортиқ мижозга хизмат кўрсатувчи энг йирик мобил алоқа операторлари — Verizon Wireless, AT&T, Sprint Nextel ва T-Mobile компаниялари мобил телефонларнинг идентификация рақамлари (IMEI) марказлашган базасини тузиб, телефонлар ўғирланишига барҳам беришмоқчи.

Олти ой мобайнида операторлар АҚШ ҳукуматига ўз маълумотлар базасини тақдим этади. 12 ойдан сўнг бу маълумотлар ягона базага бирлаштирилади. База ўғирланган телефонларнинг ҳос IMEI-рақамлари билан тўлдириб борилади.



Adobe компанияси PDF форматидан фойдаланувчилар учун янги хизматни тақдим этди. Adobe Readerнинг янги шакли ва интернет-сервисда маъмур пакет учун электрон хужжатларга имзо чекиш имконияти амалга оширилди.

Эндиликда корпоратив фойдаланувчилар, Adobe Reader ва Adobe EchoSign eSignature технологиясининг интеграциялашуви натижасида, реал вақт тартибда хужжатларнинг имзоланиш жараёнини ва шартномалар статусларини кузатишлари мумкин бўлади.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Бугун ядро курали ишлаб чиқариш бўйича 20га яқин давлатда ҳаракатлар бўляпти. 120га яқин давлат эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда. Бунинг учун ҳатто миллионлаб доллар маблағ сарфлашдан ҳам тап тортишмаяпти. Энг ёмони, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 мингдан зиёд сайтлар мавжуд. 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилаётди. 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн орқали тарқатилган порнография таъсирига бутунлай қарам бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашган.

Хўш, бу каби ижтимоий хавфи юқори бўлган глобал муаммоларга қарши курашиш учун нима қилиш даркор? Миллий қонунчилигимизда ёшларни носозлом ахборотлардан ҳимоялаш механизми мавжуд. Мисол учун, "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, филмларни намойиш этишнинг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Аммо ҳали истикболда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу каби ижтимоий хавфи катта бўлган муаммолардан қутулиш учун Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш бўйича йирик миллий лойиҳани яратиш зарур. Бойси "Google" компанияси тахлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига Оdnoklassniki.ru сайтига 200000, Facebook сайтига — 90000га яқин, Мой Мир сайтига 40000 нафардан ортиқ киши қираётди. Юртимиздаги Doira.uz, vsetut.uz, odnoklassniki.uz, sinfdosh.uz, muloqot.uz, olam.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтганлар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди.

Шунингдек, давлат идоралари, фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотларининг аҳоли, айниқса, ёшлар билан мунтазам мулоқотда бўлишларига эришиш, интернет тармоғини миллий кадрят ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-саҳифалар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-саҳифалардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш керак. Аҳолининг

халис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир фуқаро тафаккурида мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратиш, ғоявий муҳолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарғиботи кучайтириш, вояга етмаган ёшларга оид миллий қонунчилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган зарур ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш зарур. Бу борада хориж тажрибаси билан танишиш ҳам фойдалан холи бўлмайди. Масалан, Буюк Британияда "Ўзини тутиш ко-

Дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришни аниқланган.

DEPUTAT MINBARI

лиқни ўзи ҳал қилади).

Юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сонининг 8 миллиондан ошганини ҳисобга олсак, мазкур халқаро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш ҳам энг долзарб заруриятдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2002 йилда "Uz" доменда атиги 587та сайт фаолият юритган бўлса, энди уларнинг сони 14 мингдан ошиб кетди. Шундан 160дан ортиғи ОАВ сифатида рўйхатга оли-

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР



Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар, филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: "қора рўйхат", "оқ рўйхат", "нейтрал маркировка".

декси" ва "Хавфсиз тармоқ" мустақил жамғармаси зарарли, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилади. Айрим Европа давлатларида қонун асосида сайтларни блокировка қилиш белгилаб қўйилган. Хусусан, Германияда бу масала суд қарорига кўра амалга оширилади. Россияда эса турли ахборот хуружларига қарши курашиш мақсадида "Хавфсиз интернет маркази" ташкил этилган. Умуман Европа Иттифоқи томонидан бта қонун ҳужжати қабул қилинган ва "Хавфсиз интернет" дастури ишлаб чиқилган.

Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар, филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: "қора рўйхат" (рўйхатга киритилган манбалар (сайтларга)га чиқиб блокировка қилинади, "оқ рўйхат" (фақат рўйхатга олинган манбаларга кириш мумкин), "нейтрал маркировка" (ёмон сайтларнинг рейтингини яратиш, унга кўра фойдаланувчи қайси сайтларга кириш-кирмас-

ган. Ахборот-кутубхона марказларининг фонди ҳам 21401 нусхадаги адабиётга кўпайиб, 4 миллион 952 минг 132 нусхани ташкил этмоқда.

Бугун юртдошларимиз онгига, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш лозим. Токи ёшларимиз миллийлигини сақлаб қолган ҳолда, дунёни чуқур англайдиган, давр шиддати билан бақамти қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар юртдошларимизга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Факт ва рақамлар

► 50 миллионлик фойдаланувчига эга бўлиш учун радиого 38 йил, телевидениега — 13, интернетга — 4, iPodга — 3 йил керак бўлди. Американинг энг машҳур ижтимоий тармоғига эса 100 миллион фойдаланувчини тўплаш учун 9 ой етарли бўлди.

► Ижтимоий тармоқларнинг 78 фоиз фойдаланувчиси расмий манбалардан кўра, ўзларининг онлайн-дўстлари маълумотларига кўпроқ ишонишади.

► АҚШнинг Кембриж университети томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, кўпчилик машҳур ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ўчириб юборган расмларини ҳам сақлаб қолар экан. Тадқиқотчилар 16 тармоқда фойдаланувчилар аккаунтига расмларни жойлашди ва ҳар бир расмнинг тўғридан-тўғри URLсини сақлаб қолишти. Сўнг расмларни аккаунтлардан ўчириб, бир ойдан сўнг тўғридан-тўғри ҳаволасини текширишганда етти ҳолатда расмлар сақланиб қолгани маълум бўлди. "Бу — аксарият ижтимоий тармоқларнинг ўз фойдаланувчилари маълумотлари махфийлигига "данғасалик муносабат"да эканликларини тасдиқлайди", — дейди тадқиқотчилардан бири Жозеф Бонно.

Учебный семинар для представителей центров компьютеризации

7 апреля текущего года в Центре UZINFOCOM при содействии Узбекского агентства связи и информатизации состоялся семинар на тему "Нормативно-правовые аспекты деятельности Центров компьютеризации".

Главной целью данного семинара являлось ознакомление участников семинара с правовыми аспектами деятельности и обмен опытом Центров компьютеризации Совета Министров Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента.

На данное мероприятие по инициативе Центра были приглашены и приняли участие представители "Самарканд" банка.

В ходе семинара были рассмотрены задачи, поставленные Центрам компьютеризации Постановлением Кабинета Министров от 1 февраля 2012 года "О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах", а также обсуждены вопросы исполнения этих задач.

В ходе семинара были опубликованы и обсуждены следующие доклады и презентации:

- Цели и задачи Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации



и информационно-коммуникационных технологий на местах";

- Центры единого окна: задачи и проблемы;

- Организация промоутерских пунктов в Центрах единого окна;

- Оказание интерактивных услуг с помощью системы интернет-банкинга "SAM.online";

- Нормативно-правовая база по развитию ИКТ в государственном управлении;

- Ознакомительный доклад по веб-сайту коммунального хозяйства и жилищного фонда г. Ташкента;

- Услуги, оказываемые Центром UZINFOCOM Центрам компьютеризации;

- Ознакомительный доклад по корпоративному portalу органов государственной власти

на местах и другие.

На мероприятии были обсуждены вопросы по выполнению требований Правительственного решения от 1 февраля 2012 года, по повышению правовых знаний граждан и усовершенствования оказываемых интерактивных государственных услуг, освещения деятельности Центров компьютеризации средствами массовой информации для повышения знаний населения о деятельности Центров. Участники семинара обменялись опытом и мнениями по наиболее проблемным вопросам развития ИКТ в Центрах компьютеризации и путям их решения. Были разработаны рекомендации по дальнейшему развитию информационно-коммуникационных технологий в Центрах компьютеризации.

Uzinfocom.uz

Великий Сахибкиран Амир Темура

В повышении духовности молодого поколения важное значение имеет богатое наследие нашего великого предка Амира Темура, 676-летие которого широко отмечается в стране.

Образ гениального стратега, искусного политика, реформатора и полководца, покровителя ремесел торговли, науки и искусства пережил века.

Величие личности Сахибкирана состоит в исполнении им исторических миссий — объединение Центральной Азии в единое государство, разгром Золотой Орды, восстановление Великого Шелкового пути, создание условий для расцвета и подъема духовной культуры.

Проходит время, сменяют друг друга века, но Амир Темура и сейчас остаётся таким же великим. Сегодня широко изучается произведение Сахибкирана "Уложения Темура". Изложенные в нем основы государственности, приоритетность принципов гуманизма и справедливости, вопросы воспитания молодежи и жизненные выводы актуальны и для настоящего времени.

Богатое наследие великого предка широко обсуждается на проходящих в эти дни научных конференциях, симпозиумах, "Круглых столах", проводятся просветительские мероприятия по приобщению подрастающего поколения к историческим и духовным ценностям.

Книги и монографии великих ученых, журнальные и газетные публикации о нашем великом предке Амире Темура широко представлены на выставке, развернутой в областном информационно-библиотечном центре. Ознакомившись с ее экспонатами, студенты Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий — участники тематического вечера, приобщенного 676-летию со дня рождения Амира

Темура, узнали много нового о его жизни и деятельности.

На состоявшейся затем беседе, вели которую доцент Ургенчского государственного университета, востоковед Абдулла Ахмедов и ведущий специалист Хорезмского территориального отделения независимого института по мониторингу развития гражданского общества Гулом Сапаев, шел заинтересованный разговор об исторической миссии Амира Темура — крупнейшего государственного деятеля средневековья, непревзойденного полководца, поднявшего военное дело до уровня искусства, мужественного сторонника справедливости, покровителя науки и культуры. Богородные идеи и принципы, возвышенные и ставшие смыслом жизни Сахибкирана, и сегодня имеют свое огромное значение тем, что они созвучны последовательно реализуемым в нашей стране политическим, экономическим и социальным реформам.

Участники особо отмечали, что жизнь и деятельность, духовное наследие и роль в истории мировой цивилизации Амира Темура, являющегося символом мужества, отваги и величия широко изучается в образовательных учреждениях, что свидетельствует о жизнеутверждающем начале и актуальности идей Сахибкирана и вместе с тем — о возрастающем интересе молодежи к истории и духовности нашего народа.

Подводя итоги дискуссии, организаторы и участники вечера были единодушны в том, что образ Амира Темура и сегодня служит олицетворением духовной мощи узбекского народа, призывает к созиданию и великим свершениям, построению процветающего государства.

Зульфия МАШАРИПОВА,
заведующая отделом
Хорезмского областного ИБЦ

Трибуна Специалиста

О рационализаторском предложении

"Схема резервирования с использованием спутникового модема OMD-20 по направлению Инасат-Ташкент при использовании модуляции 16-QAM на передачу"

Моем распределением был решен вопрос приобретения важнейшей опции, с помощью которого обеспечивается резервирование спутникового оборудования. В процессе резервирования спутниковых модемов был решен вопрос выбора уровня модуляции спутникового сигнала. Предложенная мною схема позволила сэкономить валютные средства предприятия на приобретении необходимой опции для спутникового модема.

Описание предложения

На нашей земной станции используются спутниковые модемы различного производства. Для того, чтобы эти спутниковые модемы работали с использованием модуляции 16-QAM (квадратурно-амплитудная модуляция), они должны иметь опцию, которая поддерживает работу при модуляции 16-QAM. Но у одной из них, не установлена эта опция, но имеется необходимый интерфейс данных для работы по определенному направлению. В связи с этим я предложил собрать схему с помощью другого спутникового модема, который имеет модуляцию 16-QAM и который не используется как горячий резерв по другим направлениям. Эта гибридная схема выполняет роль одного полноценного резервного модема с использованием модуляции 16-QAM.

Предлагаемая мною схема работает следующим образом:

Пакетные данные с маршрутизатора подаются на первый спутниковый модем, затем этот поток модулируется и с определенной частотой передается через ПЧ (промежуточная частота) выход модема. Этот же выходящий поток заворачивается коаксиальным кабелем на вход второго спутникового модема, на модеме поток демодулируется и в интерфейсной блоке эти демодулированные пакетные данные снова модулируются, теперь уже с использованием модуляции 16-QAM и передаются через ПЧ выход модема на усилитель мощности и дальше на искусственный спутник земли.

Хуршид САГАТОВ,
ведущий инженер цеха
Спутниковой связи филиала
"БКМ" АК "Узбектелеком"

Объявление

Турфирма
"INTUR-OSIYO"

- ✦ Малайзия, Таиланд, Вьетнам, о. Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поэздки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул. Булок Ипак йули, 115,
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,
268-72-23, (+99893) 387-79-49.

Услуги лицензированы Т-ВС-1948.

Хабарлар + TV

2012-йил 13-апрел
15 (1021)-сон

Хабарлар

7

ОЗБОБИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Олам ва одам" дастури: "Замин гаройиботлари".
7.15 "Иқлим".
7.20 "Кўнги қушиқ истайди".
7.30 "Уй қомушлари". Т/с.
Хурматли телетомошибилар!
"OzbeKiston" телеканалда соат 8.00дан 14.55гача и р о ф и л м л а к у т и к а.
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
15.50 "Минг бир риқов".
15.55 "Дин" студияси: "Этникада мустақамаллиги бунда".
16.15 "Эртанлар - иқшидилка етаслар".
16.40 "Икки ларё оралиғи".
17.00 "Абзорот".
17.10 "Қирол Секоинг". Т/с.
17.45 "Ватан манзиллари".
18.00 "Кўнги қушиқ истайди".
18.10 "Тарих қўлуви".
18.30 "Ифтидор".
18.35 "Доктор Хаус". Т/с.
19.20 ТВ - шифкор.
19.25, 20.00, 20.55 Эъландар.
19.30 "Абзорот" /рус/.
20.05 "Отин мерос".
20.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
21.00 "Абзорот".
21.40 "Мен ешлканм".
21.55 "Қабрига қушиқ тут". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Ўзбекистон". Т/с.
23.35 "Олам ва одам" дастури: "Замин гаройиботлари".
00.25 "Ўртин буйлаш" дастури: "Хурматли телетомошибилар!".
0.50 "Кўнги қушиқ истайди".
1.00 "Абзорот" /рус/.
1.30 - 2.35 "Миллиятинг" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Мен ешлканм".
2.55 "Отин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Абзорот".
4.40 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Икки ларё оралиғи".
5.50 - 5.55 "Ойи".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мумто но".
6.30 "Кулу".
7.00 "Мультипоярма".
7.30 "Ешлқил навоялари".
8.00-15.00 Профилактика.
15.00 "Ватан меҳри".
15.10 "Меросхўр қиз". Т/с.
15.50 "Ўзбекистон музейлари".
16.00 "Данр".
16.10 "Кавинтон Кросс". Т/с.
17.10 "Ешлқил навоялари".
17.30 "Паринита". Б/ф. 1-қисм.
18.50 "Ўзбекистон".
19.00 "Данр".
19.30 "Кетма". Т/с.
20.20 "Кўнги қушиқлар".
20.50 "Иқлим ласлар". Т/с.
Премьера.
Ачкақўл соҳилида жойлашган Отажон Худойшуқуров номидаги Санъат саройида Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари аъзолари, республика ва Эликкалба туманидаги атоқли санъат усталари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, овул ва маҳаллалар фуқаролари йиғинлари оқсоқоллари ва маслаҳатчилари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбай Қаримов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналистлар Янгибой Қўчқоров, Зулайхо Нурметова, тадқиқотчи-тарихчи Самандар Исмоилов, адабиёт фани ўқитувчиси Сарвиноз Юсупова, Санъат ва педагогика коллежи иккинчи босқич ўқувчиси Райхон Рўзимова ва бошқалар Амир Темур буюклиги ва донолиги тўғрисидаги ўз маърузалари билан қатнашдилар.

— Соҳибқирон таваллудининг 676 йиллик тантанаси фақат буюк бобомиз қолдирган маданий меросни ўрганиш ва шарафлашдангина эмас, — дейди туман Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Ойша Матнӣёева, — балки жаҳон цивилизациясига унинг қўшган ажойиб таъсирини яна бир марта кўздан ўтказишдан, ватанпарварлик ва оила мустаҳкамлиги борасидаги фикрларини чуқур англашдан ҳамда ишчанлик, фаоллик бобидан ибрат олишдан иборат.

М.АЙТИМОВ
Қорақалпоғистон Республикаси

"Хар қандай халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий меърос, маданий ёдгорликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади."

И.КАРИМОВ

Ёшлар – миллат келажаги

"Зулфияхоним қизлари", "Санамлар сарвари", "Замонамиз маликалари", "Нафосат маликалари" каби номлар остида ташкил этилажак танловларнинг шартлари ва талабларини белгилашда имкони борича барча соҳаларни қамраб олиш керак.

Юкорида таъкидлаб ўтилган маънавий меърос, маданий бойликлар, миллий қадриятлар тизимида миллий тарбия алоҳида ўрин тутати, маънавий тарбия халқимизнинг миллий урф-одатлари, одоб-ахлоқ меъёрлари, анъаналари, байрам маросимлари, тарихий, диний, фалсафий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзида маънавий-матрифий гоёларни мужассам эта олгандагина мукамал бўлади. Ёшларда, хусусан, қизларимизда маънавий тарбияни энг долзарб масаласига айланди. Ушбу масъулиятли вазифани амалга оширишда хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни барча соҳаларда ўз билим ва имкониятларини синаб кўришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифалари Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб, бошқа фармон ва қарорларда ҳам ўз аксини топмоқда. Зеро, бугуннинг талаба қизлари келажак оналари ҳисобланади. Ана шу маънода, уларни ҳар томонлама зукко, билимдон ва, энг муҳими, миллий анъаналар асосида тарбиялаш жуда муҳимдир. Негаки, миллат тарбиясида оналарнинг ўрни жуда бекиёс. Шундай экан, қизларнинг илмли-зиёли, ақл-фаросатли, зукко ва тадбиркор бўлиб етишишлари учун курашиш ҳар бир шахснинг виждоний бурчидир. Модомики, қизларимиз нечоғли билим ва зиё эгаси бўлишлари миллат тақдирини белгилай экан, уларнинг оилада, жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаол шахс сифатида фаолият юрита олиш имкониятларини яратиш ҳамда ушбу фаолиятга уларни тайёрлаб бориш зарурий вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, миллатни тарбияловчи оналар, энг аввало, ўзлари миллий анъаналар руҳида тарбияланган, ўзбекиона урф-одатларимиз, удумларимиз

ва, умуман, буюк миллий қадриятларимизнинг чуқур билимдонлари бўлишлари керак. Ана шундагина миллат болалари оилада ҳақиқий миллий тарбия ва ўзбекиона руҳият соҳиблари бўлиб тарбияланади. Бу масалада асосан ҳар бир ўқув муассасасидаги хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этиладиган таълим-тарбия ишлари муҳити ва ундаги маънавиятни барқарорлаштириш жараёнлари халқ килувчи кучга эгадир. Талаба қизларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш ёки бошқачароқ айтганда, уларда бўш вақт қолдирмаслик, яъни уларнинг доимий бандлигини таъминлаш лозим. Мана шу йўл орқали талаба қизларнинг турли оқим ва маънавий таҳдидлар гирдобига тушиб қолишлари олди олинади ҳамда уларнинг билими, тарбиясидаги бўшлиқлар тўлдириб борилади. Бу борада хотин-қизлар кўмиталари муас-

сасаларидаги ўқув бўлими, маънавият бўлими ва гуруҳ мурабийлари билан доимий равишда ҳамкорликда ишлашлари лозим деб ўйлайман. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан талаба қизларнинг турли тўғаракларга жалб қилиниши, уларнинг қизиқишлари асосида тўғарак машғулотларини ташкил этишлари ва шу орқали уларни оилага, оналикка тайёрлашни ўз зиммаларига олишлари лозим. Бундан ташқари, талаба қизлар ўртасида турли спорт ва маданий-маърифий тадбирларни, мусобақа ва учрашувларни ташкил этиш орқали ҳам уларнинг тарбиясига кучли ва самарали таъсир ўтказиш мумкин. Жумладан, "Зулфияхоним қизлари", "Санамлар сарвари", "Замонамиз маликалари", "Нафосат маликалари" каби номлар остида ташкил этилажак танловларнинг шартлари ва талабларини белгилашда имкони борича барча соҳаларни қамраб олиш керак. Ана шунда талаба қизларнинг ҳар соҳада кенг қамровли билим ва малака ҳосил қилишлари асосида замин яратилади. Маънавий тарбиянинг кўмаки билан машғур бўла олган аёл шахслар ҳаёти ва фаолиятини ибрат сифатида ўрганишдан бошланиши лозим. Бу, албатта, танлов шартларидаги саволлар таркибига ҳам киритилиши керак. Бундан ташқари, юқоридаги танлов шартларидаги миллий тарбия асослари сифатида қуйидаги саволларни киритиш мумкин: кийиниш одоби ва кийимларда қандай қилиб миллий ҳам

замонавий тамойилларни уйғунлаштириш мумкин, уй тутиш ва дастурхон тузаш одоби, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш одоби, чой дамлаш ва чой куйиш одоби, шахсий гигиена қоидалари, муомала маданияти, телефонда сўзлашиш одоби, "Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл" мақолини изоҳлаш каби саволлар бўйича қизларнинг билим ва кўникмаларини синаш орқали залда томошабин сифатида ўтирган барча қизларнинг тарбиясига ҳам ижобий таъсир ўтказиш мумкин. Юқоридаги танлов шартлари таркибидаги саволлар гуруҳ мурабийларининг маънавият соатлари учун ҳам зарурий мавзу бўлиши мумкин. Хотин-қизлар кўмитаси талаба қизларнинг оналари билан ақиндан алоқа ўрнатилари зарурдир. Оналар билан қизларнинг ўқиш ва ишларидаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар, маънавий камчиликларни баргараф этиш йўл-йўриқлари хусусида фикр алмашиб туришлари лозим. Талаба қизларнинг билимлари ва тарбиясида бўшлиқлар пайдо бўлмастлигининг олдини олиш учун ҳам оналар билан доимий равишда алоқа боғлаб, ҳамкорликда ишлаш кенг самара беради. Зеро, бугунги кунда инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни уйғунлаштиришдек мураккаб жараёнларни амалга ошириш олдимизда турган вазифалардан ҳисобланади. Шундай экан, биз зиёлилар қўриғидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш ва миллат келажакини бунёд этишда жамиятимизнинг асосий таянч сифатида масъулият билан фаолият кўрсатмоғимиз лозим.

Махбуба СУЛТОНОВА,
ТАТУ "Радиоалоқа қуриямалари ва тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси

Қадрлайлик, қадр топайлик

Менинг уч нафар фарзандим бор. Шулар билан қувонаман, шулар билан изланаман, уларнинг ҳаётга қувнаб қарашларини хоҳлайман. Уларнинг бирон нуктада тўхтаб қолишини истамаган ҳолда қайси соҳага, қайси спорт турига қатнашишларини ёки қайси касбни танлашларини ўзларига қўйиб бераман. Катта фарзандим ҳозир ўсмир ёшда. Бу ёшда улар ҳамма нарсани билишни исташади, лекин бу ёшда улардан ҳамма нарсани кутиш мумкин бўлгани каби уларни асраш ҳам керак. Фақат баъзи бир нарсаларнинг мумкин ва мумкин эмаслигини дўст сифатида тушунириб, ётиги билан айтаман. Кийган либоси ҳам тушунчамага мос келмайди, лекин уни ҳам сал маромига етказиб кийишни таъкидлайман. Ўз тушунчам ва ҳаётий тажрибам билан айтганим бўлсам, агар мен унга қаттиқ турсам, фарзандимнинг ўз фикри ва йўналиши бўлмағи қолади. Фарзандларимдан фақат яхшиликни кутаман, ва албатта, уларнинг яхши инсон бўлиши, ҳеч қимдан кам бўлмастлиги учун турмуш ўрғоғим билан ҳаракат

қиламиз. Аммо турмуш ўрғоғимга фарзандлар кечинмаларини ҳамма вақт ҳам айтиб ўтирмайман, чунки эркак киши оилага моддий тарафдан ўзрок масъулиги учун фарзанд тарбиясидаги кичкина ва арзимайдиган муаммоларни ўзим хал қилишга интиламан. Шу орқали турмуш ўрғоғим ва болаларим ўртасидаги кўринмас пардани сақлаб қолувчи, воситачи сифатида иш кўраман.

Она боласининг хафа бўлганда ўйламай айтган гапларидан дили оғрисам, барибир, уни тушунишга ҳаракат қилади. Фарзандларининг худди 2-3 ёш болалигидаги ҳолатига қайтариб кўринг, уларни севиб, эркалаб, уларга меҳр беринг, чунки бу меҳр — она бағридан чиқаётган иссиқликни бола ҳамisha соғинади, керак бўлса 40-50 ёшда ҳам бир-бирдан рашк қилади. Сир эмас, ёшимиз катта бўлса ҳам, онамизни бир-биримиздан қизганимиз. Шунинг учун мен, болаларимни неча

ёшга кирганидан қатъи назар, қўп эркалатаман. Катта қизимни тиззамга ўтказиб сочларини силаб, унинг орзуларини ҳар сафар қайтадан эшитаман, У ҳар сафар бирон янгилик айтади, чунки у борган сари ўз фикрларини тўғри ифодалаб боради. Кичкина фарзандларим — ўғил болалар, улар кураш тушишни, шахмат ўйнашни яхши кўришади, улар билан бирга ўйнаб маза қиламан. Дугонам ҳам, яқин сирдошим ҳам шулар. Бирон нима қилмоқчи бўлсам бамаслаҳат қиламиз, қимни нима орзуси ва мақсади бўлса, бирга ўтириб эшитамиз. Ҳозир шахримиз борган сари гўзаллашиб, янги даҳалар қуриляпти, кишлоқларда қад ростлаётган намунавий уй-жойларга эга бўлиш учун ҳозирдан қўчиб киришни, қандай экан, дарахт экишни, қандай уй ҳайвонларини боқиб, иссиқхона барпо этишни ўйлаётимиз. Худо хоҳласа, шу йил қўчиб ўтамиз. Ёзаверсам орзулар бисёр, ҳаётимдан жуда мамнунман.

Фарзандларим, турмуш ўрғоғим соғсаломат, фақат, шу касбим билан бирга, тадбиркорликни ҳам йўлга қўйишни ўйлаб ўтирибман. Чунки касбимизнинг аёллар учун қулайлиги, давлат иштини ҳам рўзғор иштини ҳам биргаликда олиб бора бўлади. Бир сутка ишлаб икки кун дам оламиз. Худога шукр, соғ-саломатимиз, ўқишга ташнаимиз, албатта, инсон ҳар бир кунини бекор ўтказмаслиги, бирон бир фойдали меҳнат билан ёки бирон-бир хунарни қилиб ишдан ташқари ҳам бекор юрмаслиги керак.

Бахт ва тинчлик, хотиржамликни ўз оиласидан топган фарзанд ҳеч қачон нотўғри ишларини қилмайди, меҳр кўрса, албатта, меҳрибон бўлади. Оналар хурсанд уйда ҳеч қачон фарзандлар ёмон йўлга қирмайди. Фарзандларимизни, ўзимизни атрофимиздаги инсонларни ҳаётини қадрлайлик азиз ва мўътабар аёллар!

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали диспетчери

2012-YIL —
MUSTANKAM OILA YILI

Изланиш самараси

Халқимизда меҳнат кишини улуғлайди, деган ҳикматомуз нақл бор. Шу нуқтага назардан келиб чиққан ҳолда теранроқ фикр юритиб, мушоҳада қиладиган бўлсак, инсонларнинг ўз меҳнати унинг кадр-қимматини, шон-шарафини улуғлайди. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмақлашнинг баробарида одамларда юксак ишончининг тувилишига замин яратлади.

Бунга "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Абдумалик Комилжоновнинг иш фаолиятига назар ташлаганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Қаҳрамонимиз ёшлигидан темирйўлчи бўлишни орзу қиларди. Бу орзу уни Тошкент темирйўл муҳандислари институти сари етаклади. Институтни аъло баҳоларга тугатиб, меҳнат фаолиятини Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатига операторликдан бошлади. Бу ерда устозлари, ҳамкасблари ўғитига кулоқ тутиб, уларнинг айтган топшириқларини ўз вақтида, пухта ва астойдил бажариб, етарлича касбий маҳоратга эга бўлди.

Изланиш ва интилиш доимо муваффақият келтирган. Абдумалик академик изланувчанликни кўрган устозлари Тошкент вилоятидаги Салар бекатига бекат навбатчиси бўлиб ишлашни таклиф этишди. Бу ерда у катта юк қабул қилувчи-топширувчи, бекат бошлигининг ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Хар бир ишга масъулият билан ёндашадиган Абдумалик Комилжонов Қодирия-Оққовоқ бекатида бекат бошлиғи вазифасини бажарувчи, бекат бошлиғи лавозимларида ишлади. Кейин эса "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги Тошкент минтақавий темирйўл узелининг Келес бекатида қарийб етти йил давомида масъулиятли лавозимда, яъни бекат бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди.

Билим ва касб уйғунлиги бугунги давр кишини учун ниҳоятда зарурдир. Зотан, етарлича билимга эга бўлган инсон касбининг пасту баландини яқиндан ўзлаштириб, пировардида, етук мутахассис бўлиб етишади. Бунинг дилдан англаган қаҳрамонимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига ҳужжат топшириб, тингловчилар сафидан жой олди. Ушбу нуфузли даргоҳни "Ташкил этиш ва бошқариш бўйича муҳандис" мутахассислиги бўйича тугатиб, кадрдон ишхонаси ва жамоадошлари ҳузурига қайтди.

Қайд этиш жоизки, малакали мутахассислар халқимиз орасида катта обрў-эътиборга эга. Улар ўз меҳнат фаолияти орқали диққат-эътиборга эга бўладилар. Абдумалик Комилжонов фаолиятида ҳам худди шу нарсани кузатиш мумкин. Зотан, у малакали мутахассис сифатида юксак ишончларга лойиқ кўрилиб, Тошкент минтақавий темир йўл узели бошлигининг ўринбосари, "Ўзбекистон темир йўллари"



давлат-акциядорлик компаниясининг ташкил этиш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари лавозимларида самарали иш олиб борди. Айни пайтда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК тизимидаги Минтақавий темир йўл бошқармаси раҳбари бўлиб фаолият кўрсатаётган қаҳрамонимиз ўзига бидирилган ишонччи оқлаш учун чин кўнгилдан меҳнат қилмоқда.

— Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон темир йўллари бутунлай тараққиёт сари юз тутди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби темирйўл тизимида ҳам фахрланса арзиғулик ютуқлар кўлга киритилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ушбу тизимда кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчи ва юк

ташиш ҳажми тобора ошмоқда. Энди бевосита корхонамиз фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бу ерда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бош муҳандис Суръат Содиков, юк ва тижорат ишлари ва транспорт хизмат кўрсатиш ходими Ихтиёр Мансуров, ҳисобчи Ирина Тихонова, ҳуқуқшунослар Алишер Холметов, Ойбек Жўрабеков сингари фаол ва изланувчан ходимларимиз билан зиммамизга юклатилган вазифани астойдил бажаришга ҳаракат қилаямиз.

Гувоҳи бўлганимиздек, инсонларнинг ўз меҳнати унинг кадр-қимматини, шон-шарафини улуғлайди. Бинобарин, ҳалол меҳнат бор жойда қутбароқа, кўнгил хотиржамлиги бўлади. Юртимизда Абдумалик Комилжонов сингари ҳалол меҳнат қилиб, обрў топаётган инсонлар сафи кенгайверсин!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Одатда, отасининг изидан бориб, унинг касб-корини давом эттирган фарзандлар кўлидаги хунарини ота-касб дея эъозлашади. Орамизда шундай одамлар борки, улар учун битта касб авлоддан-авлодга ўтиб, таъбир жоиз бўлса, бобо касбга айланиб кетган. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК тизимидаги "Ўзтемирйўлчи" очик акциядорлик компаниясининг "Сервис экспресс" маҳаллий йўналишлар бўйича бошлиғи Тохиржон УСМОНОВ учун ҳам темирйўлчилик бобо-касб. Зеро, у кишининг ота-бобоси фаолияти ҳам темирйўлчилик билан чамбарчас боғлиқ.

— Халқимизда мева дарахтдан узоққа тушмайди деган ҳикматомуз нақл бор, — дейди Тохиржон ака темирйўлчиликни танлашига сабаб бўлган омиларни санар экан. — Оппоқдадам, Маҳмуджон бувам узоқ йиллар паровоз хайдаб, илғор ва тажрибали машинист сифатида обрў-эътиборга сазовор бўлган. Дадам Незматжон ака ҳам бувам изидан бориб, темирйўлчилик касбини танлаган ва юртимиз темир йўл тизимидаги турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатган. Айни пайтда 62 ёшни қаршилаган дадам биз фарзандларининг камолини кўриб, мустақил юртимизда шукроналик билан яшамоқда. Энди ўзимга келадиган бўлсак, темирйўлчи бўлишимизда оппоқдадамнинг, айниқса, ҳиссаси катта бўлган деб ўйлайман. Чунки кичкиналик пайтимда у киши ўзи ишлаётган депога тез-тез олиб бориб, ёш бўлсам-да ҳамкасблари ва иш жараёнлари билан яқиндан таништирарди. Уйга қайтиб келгач, кўрганларимни дадам билан ўртоқлашганимда дадам ҳам касби билан боғлиқ қизиқ воқеаларни айтиб беради, бу эса мендаги қизиқишни янада оширарди.

Болаликдаги қизиқиш орзуга айлан-



ди. Орзу эса Тохиржон акани аввалига Андижон темир йўл коллежига, кейин эса Тошкент темир йўл муҳандислик институти сари етаклади. Хар икки ўқув муассасасида ҳам ота-бобосига муносиб издош бўлиш учун астойдил ўқиб-ўрганди. Билим ва кўникма эгаллагач, олий маълумотли малакали мутахассис сифатида ўзи қизиққан соҳа бўйича Андижон шохбекатида иш бошлади.

— Иш бошлаган дастлабки кезларимда устозларим Муҳаммаджон ака Тўхтасинов, Хиололиддин ака Рахимовлар бир умрга етадиган касбий ва ҳаётий сабоқ беришган, — дейди Тохиржон ака. — Бунинг учун улардан миннатдорман. Қарийб ўн саккиз йиллик фаолиятим давомида яна кўплаб соҳа фидойиларидан касбим сирларини ўргандим. Маҳалладошларимиз таъби-

ри билан айтганда, темирйўлчилар сулоласини давом эттириб, Худога шукр кам бўлмадик. Дадам рус тили ўқитувчи бўлган онам Ҳалимаҳон ая билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Синглим Гулҳумор чевар, укам Алишер "Водий садоси" радиосида бошловчи. Турмуш ўртоғим Орзухон билан уч нафар фарзанд — Дилоромхон, Абдоржон ва Дониёрбекларни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Барча ота-оналар сингари бизнинг ҳам фарзандларимиздан умидимиз катта. Ўзаро оилавий суҳбатлар пайти "Келажакда ким бўласизлар?" деб сўраганимизда бир овоздан темирйўлчи деб жавоб беришади. Шу соҳа вакили сифатида, қолаверса, ота-боболарининг касбини эъозлаганини кўриб, қувонамиз.

Тохиржон ака мустақиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл тизимида кўлаб киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳам тўлқинланиб сўзлади.

Бугун нафақат мамлакатимиз темир йўл тизимидаги марказий шох бекатлар, балки чекка қишлоқлардаги бекатлар ҳам кўркем ва ободлиги билан кишини лол қолдиради.

— Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон темир йўлларида бутунлай янги саҳифа очилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Дадам билан суҳбатлашганимизда у киши ҳам шу ҳақида фахрланиб гапирди. Чиндан ҳам фахрланса арзиғулик ютуқлар кўлга киритилмоқда. Алоҳида эътибор туфайли ушбу тизимда кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда. Ўзимнинг йўналишимдан келиб чиқиб бир мисол келтирай. Бугун нафақат мамлакатимиз темир йўл тизимидаги марказий шохбекатлар, балки чекка қишлоқлардаги бекатлар ҳам кўркем ва ободлиги билан кишини лол қолдиради. Йўловчи поездларда йўловчиларга яратилаётган шарт-шароитларни айтмайсизми? Тезорар поездлар катновининг йўлга қўйилиши ҳам бу борада эришган ютуқларимизда катта ўрин тутмоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида "Афросиёб" электропоезди катновининг амалга оширилиши бу борадаги улкан ишларимизнинг яна бир яққол намоёни бўлди.

Дарҳақиқат, Тохиржон аканинг гапларида жон бор. Зеро, давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори туфайли юртимизда темир йўл тизими ривожланиб, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш йўлида янги босқич — янги давр бошланди. Мустақиллик шарофати билан эришаётган бу ютуқлардан хар биримиз фахрлансак арзийди.

О.САЪДУЛЛАЕВА

Эъзоз топган инсон

Бебаҳо бойлигимиз

“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали мажлислар залида 7 апрел — Жаҳон саломатлик куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ушбу филиал ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиали ва “Матбуот тарқатувчи” вилоят шўъба корхонаси ходимлари иштирок этдилар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширишга киришилди. Энг юксак талабларга жавоб берадиган, сифат жиҳатидан янги бўлган, ўз ичига шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни олган тиббий муассасалар тармоғи яратилди. Барча вилоятларда бўлганидек, Фаргона вилоятида ҳам кўп тармоқли шифохоналар, шаҳар ва туманларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган кишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди.

Аҳоли соғлиғини мустахкамлаш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни камолга етказиш борасида чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1998 йил ноябр ойида қабул қилинган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими ислох қилиш Давлат дастурини ҳаётга татбиқ эта бориб тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзинга хос моделини яратиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ана шу эзгу ишлар туфайли ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида аҳоли ўртacha умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга ошди.

Республика Саломатлик институти директори ўринбосари, олий тоифали шифокор Орифхон Абдуллаев “Энг бебаҳо бойлигимиз — саломатлигимиздир” маърузасини соғлиқни сақлаш

тизимда эришилаётган ана шу ютуқларни тилга олишдан бошлади. Истиқдол йилларида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш моделига мувофиқ она ва бола соғлиқни сақлаш тизimini такомиллаштириш, перинетал, скрининг марказлари, педиатрия муассасалари моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар муваффақият билан амалга ошириб келинмоқда. Natijaда оналар ўлими икки мартадан ортиқроққа, болалар ўлими уч мартага камайди. Бу борадаги

касаллиги тўғрисидаги тушунчалари анча бойитилди. Чиндан ҳаммамиз ҳам йод етишмовчилигининг энг энгил даражаси ҳам инсон ақлий даражасини 10-15 фоизга камайтиришини биламиз. Касаллик ақли заифлик, асаб тизимининг бузилиши, репродуктив фаолиятга путур етиши, кар-соқовлик, паканалик, ўлик ёки ақли ожиз бола туғилиши каби асоратлар қолдириши ҳақида ҳам кўп эшитганмиз. Лекин менда буюқ йўқ-ку, дея бу оғохлантиришларга парво қилмаймиз. Бинобарин миллатнинг ақлий ва ижодий салоҳияти истеъмоқ қилаётган йод миқдорига боғлиқ. 2006 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси “Йод танқислиги касалликларни профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганидан сўнг йодланган ош тузини ишлаб чиқариш мажбурий бўлиб қолган. Бироқ оилаларда ош тузини қоронғуда, усти ёпиқ идишларда сақланмаётганлиги (бу элемент учувчан) боис истеъмоли етарли даражада бўлмаётганлиги, бундан ташқари, аҳолининг микроэлементлар билан бойитилган 1-нав уннинг аҳамиятига ҳам бефарқлик билан қараётгани тиббиёт ходимларини ташвишлантиради. Маърузада, қайд этилдики, ҳар бир киши ёшлигидан ўз соғлиғи учун курашса, табиати, ҳаёти севса, санъат, мусика, адабиётга ошно бўлиб, ўз биоритмига риоя этса, серхаракат бўлса, узоқ ва бахтли яшайди. Бу билан келгуси авлодлар соғлиғини ҳам ва айни вақтда юрт иқтисодий тараққиётини ҳам таъминлаган бўлади.

Тадбир қатнашчилари соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш, чекиш, спиртли ичимликларнинг зарари, кам ҳаракатлик оқибатлари каби ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар олдилар.

Хафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

Эзгу ишлар туфайли ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида аҳоли ўртacha умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга ошди.

ишлар ўтган йили ноябр ойида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигининг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” халқаро симпозиумида ҳам юқори баҳоланди. Бу эзгу ишлар Мустахам оила йилида янада кучайтирилади. Табиийки, соғлом ҳаётга даставвал оилада асос солинади. Давлат дастурига биноан юқумли касалликлар диагностикаси ва профилактикаси, биринчи санитар ёрдам ишлари янада яхшиланиши кутилмоқда. Буларнинг бари ҳадемай юртдошларимизнинг ҳаёт тарзида акс этади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, маърузада қатнашчиларнинг йод танқислиги

2012 йилнинг 10 апрел куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида касбий билим ва маҳоратини оширган 600 нафар профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, вазирлик таркибидаги бош бошқарма ва соҳавий хизмат, олий ўқув муассасалари бошлиқлари, Академия профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Профессионал маҳорат оширилди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов сўзга чиқиб, юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган ички ишлар идоралари профилактика инспекторларининг аҳоли, айниқса, маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга, шунингдек, ҳар қандай содир этилган жиноятларга жавоб қайтаришда ички ишлар идораларининг тезкорлигини ва ҳаракатчанлигини оширишга эришилганлиги тўғрисида гапирди.

— Бир ойлик ўқув йиғинидан қўзланган асосий мақсад, профилактика инспекторининг тажриба, билим ва амалий қўникмаларини оширишдан иборатдир, — дейди ИИВ Хуқуқбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи У.Нарзуллаев. — Профилактика инспекторлари нафақат ҳуқуқий, касбий билимга, балки жисмоний ва жанговар тайёргарликка ҳам эга бўлишлари зарур.

Ўқув машғулоти жараёнида ўзларининг билимга чанқоқлиги, берилган топшириқларни ўз вақтида ва амалий бажариш қобилиятини эгаллигини, касбий қўникма ва тажрибаларини оширишга фаол интилишини, амалда қонун ва ИИВ меъёрий ҳужжатларининг талабларини яхши билган ҳамда амалиётда тўғри қўллаш олган 34 нафар профилактика инспекторлари Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шахло БОБОЕВА,
ИИВ Исвон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш
бошқармаси инспектори

Табриклиаймиз!

Оҳангарон почта алоқаси тармоғи жамоаси Оҳангарон-3 алоқа бўлими почтачиси Лилия АЛИМБЕКОВАни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этади. Унга бахту саодат, সিҳат-саломатлик ва хонадонига файзу барака тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали, вилоят алоқа ходимлари билан қасба уюмаси кўмитаси жамоалари филиал етакчи энергетиси Ориф ИЛНАЗАРОВни 55 ёши билан самимий табриқлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ишлари муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси Давлат фелдъегерлик хизмати вилоят бўлими бошлиғи Аноар АҲМЕДОВни таваллудига 50 йил туғилиш муносабати билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, соғ-омонлик, фарзандлари камолини кўришликни тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали жамоаси Сўх телекоммуникациялар боғламаси ходими Ҳакимжон МУРОДОВни 55 баҳорни, Фаргона ва Қўқон шаҳар боғламалари ходимлари Нурхон РАҲИМҚУЛОВА ҳамда Хадича НАЗИРОВАларни 50 баҳорни қарши олаётганлари билан табриқлаб, уларга эзгу тилақларини йўлайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“Орион сардори” хусусий корхонасининг (Анджон вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002421 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 3 апрелдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тас-

диқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

“FARG'ONA SHOHRUZ FAYZ” хусусий корхонасининг (Фаргона ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003879 рақамли; “MARXAMAT-ELIT-SERVIS”

масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003880 рақамли;

“RAXMATILLO INTER SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003934 рақамли лицензиялар 2012 йил 3 апрелдан бекор қилинди.



...Улуғбек ака болалик пайтлариданоқ муҳандис бўлишни орзу қиларди. Мактабда кунт билан ўқиган қаҳрамонимиз ушбу соҳага ихтисослашган олий таълим даргоҳида таҳсил олди, уни тугатиб, ўзи танлаган соҳа бўйича фаолиятини бошлади. Ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш унинг учун шарафли ишга айланди. Устозларидан касбининг сир-асрорини астойдил ўрганди. Аввало, ўзига, қолаверса, бошқаларга бўлган талабчанлиги ва жонқуярлиги боис жамоа орасида хурмат қозонди.

Ўз ишини, тақдирини эл-юрт тақдирини билан боғлаган қаҳрамонимиз Улуғбек Ибодбеков турли йилларда "Ўздонмахсулот" акциядорлик компанияси тизимида масъул лавозимларда фаолият кўрсатди. Қандай лавозим, қаерда фаолият кўрсатмасин, салоҳиятини намойён этиб, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашди. Улуғбек аканинг иқтидорини, жонқуярлигини кўрган устозлари, ҳамкасблари "Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятида бош муҳандис бўлиб ишлашни таклиф этишди. Етарлича ҳаётини ва касбий тажрибага эга бўлган Улуғбек ака бу ерда бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб, соҳадаги ўзгаришларга, янгиланишларга бошқош бўлиб келмоқда.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ҳамоҳанг равишда корхонамиз тўлиқ модернизация қилиниб, техник қайта жиҳозланди, янги тегирмонлар фойдаланишга топширилди, — дейди суҳбатдошимиз Улуғбек Ибодбеков. — Хусусан, корхонамизнинг "Тошкент гуруч" филиалида суткасига 130 тонна махсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Туркиянинг "Nimmet VSTA A.S" компаниясининг тегирмони ўрнатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги "Республикада омухта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ корхонамизга омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган Голландиянинг "Wynveen" компаниясининг замонавий дастгоҳлари келтирилди. Янги жиҳозлар сифатли махсулот ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда электр энергияси ва ёнглин-мойлаш материаллари сарфини камайтириш имконини бермоқда. Дон ва дон махсулотлари сифатини ўз вақтида баҳолаш учун корхонамизнинг лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Махсулотлар рақобатбардошлиги ҳамда дондан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида галлани тайёрлашнинг янги услубларини жорий этиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис кўпроқ юқори навли сифатли махсулот олиш имконини бераётир.

Дарҳақиқат, шундай. Корхонада эскирган технология усуналарни алмаштириш, компютерлаштириш ва автоматлаштириш орқали махсулот сифатини яхшилаш, энергия ресурслари харажат-



ларини камайтириш, қулай меҳнат шароити яратишга эришилмоқда. Буни биргина омухта ем ишлаб чиқариш мисолида кўрадиган бўлсак, тасаввур янада ойдинлашади. Бонси, корхонада ушбу махсулот ҳажми тобора ошиб, Тошкент вилоятидаги йирик фермер ва паррандачилик хўжаликларини сифатли ва арзон махсулот билан таъминлаш имконияти янада кенгайди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, "Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти мамлакатимизда омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи корхоналардан бири саналади. Шу билан бирга, ун ишлаб чиқаришда ҳам корхона етакчи ўринини эгаллайди. Тегирмонлар мукамал технологик схемаларга эга бўлгани боис ун махсулотининг барча навларини, шу жумладан, фортификация қилинган унни ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Ёрма ишлаб чиқаришда ҳам корхона катта салоҳиятга эга. Авваллари фақатгина бир тур махсулот — гуруч ишлаб чиқарилган корхонада бутунга келиб гуруч билан биргалликда арпа ёрмаси, маккажўхори, буғдой ва сорго ёрмаси ҳам ишлаб

чиқарилмоқда. Арпа ва жавардан ҳам ёрма махсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ёрма-нон ва омухта ем махсулотлари ишлаб чиқариш саноатида фақатгина маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланишга эришилди.

— Эришилаётган ушбу муваффақиятларда Улуғбек аканинг хизматлари жуда катта, — дейди "Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти раҳбари Шукрулло Холматов. — Улуғбек аканинг яна бир ютуғи борки, у киши жуда одамоҳун бўлиб, қўллаб малакали шогирдларга эга. Шаҳсан ўзим ҳам у кишидан жуда кўп нарсаларни ўрганганман ва устоз, энг асосийси, касбини эъзозлаган инсон сифатида хурмат қиламан.

Юқорида Улуғбек ака таъкидлаганидек, корхонанинг "Тошкент гуруч" филиали ҳам тўлиқ модернизация қилинган бўлиб, замонавий технологиялар келтириб ўрнатилгач, бу ерда ишлаб чиқариш сифати ва ҳажми янада ортди. Айни пайтда 176 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган мазкур филиалда ишчи-ҳодимлар учун барча шароитлар яратилган.

— Иш уч сменада ташкил этилган

бўлиб, корхонамиз тўлиқ автоматлаштирилган, — дейди филиал ишчи ходимларидан бири Жамолиддин Максуджўев биз билан суҳбатда. — "Яхши дам, меҳнатга ҳамдам" деганларидек, биз ходимларнинг соғлигини тиклаш, дам олишимиз учун барча шароитлар яратиб берилган. Бунинг учун корхонамиз раҳбарияти-

Истиқболга юз тутган корхона

га ташаккур айтаемиз.

Ватанимиз валла мустақиллигига эришишида дон уруғини етиштириш ҳам катта ўрин тутмоқда. Бугунги кунда "Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятининг "Чиноздон" филиалида уруғ тозалаш цехлари мавжуд бўлиб, улар Германиянинг замонавий "Петкус" қурилмалари билан жиҳозланган. Мазкур филиал раиси Ахрор Убайдуллаевнинг айтишича, филиалда суткасига 200 тонна уруғлик донни саралаш қуввати мавжуд.

"Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятига қарашли "Оққўронон" корхонасида Германиянинг "Вахтер" фирмасининг замонавий технологиялари асосида тайёрланаётган нон ва нон махсулотлари сифатлиги боис истеъмол бозорига харидоригир. Бу ерда ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳали совмай турибқ савдо шохобчаси пештоқидан ўрин оляпти.

— Корхонадаги ўрнатилган замонавий технологиялар иш унумдорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда, — дейди ушбу корхона цех бошлиғи Холбўга Бойназаров. — 2010 йилда "Агробанк"нинг Тошкент вилояти бўлиминдан 200 миллион сўм миқдорида кредит олиб, цехларини қунига уч тоннагача нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Германия технологияси асосида тўлиқ жиҳозланди. Айни пайтда корхонада ўн олти нафар кишининг бандлиги таъминланган бўлиб, 12 турдаги нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр махсулотлар болалар боғчалари, оромгоҳлар, шифохона, мурувват уйларига ҳамда корхона савдо дўкони орқали аҳолига ўз вақтида етказиб берилаётир. Саккиз нафар тадбиркор билан ҳамкорлик шартномасини тугатганмиз. Қўлдош Ҳакимов, Элёр Обилов, Баходир Юнусметов, Муҳаббат Мўминова каби ишчиларимиз иш унумдорлигининг ошишига муносиб хисса қўшмоқдалар.

— "Тошкентдонмахсулотлари" очик акциядорлик жамиятининг аъзолари қўлга киритаётган муваффақиятлари, аввало, мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир, — дейди Улуғбек ака суҳбатимиз сўнгида. — Бундан фақат ва фақат хурсандимиз. Эришаётган ютуқларимизнинг барчаси мустақиллик шарофати деб биламиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Корхонада эскирган технология усуналарни алмаштириш, компютерлаштириш ва автоматлаштириш орқали махсулот сифатини яхшилаш, энергия ресурслари харажатларини камайтириш, қулай меҳнат шароити яратишга эришилмоқда.

Xabar
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ
Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИДИНОВ (Ҳайат раиси), Асаджон ХУҶАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувай НАҲБИДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдузани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).
Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Реклама матнларининг тўғриллигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.	Газета ҳафтанинг жума кунини чиқаради	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	Г-452 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16281 нусха.	ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.
--	---------------------------------------	---	--	--

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термида 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганча 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	-------------------	---------------------	-------------------	---------------------	-------------------